# Единый портал корпоративной информации

## Существенные факты

"Узавтосаноат" АО
06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА** | |
| | Полное: | "O'zavtosanoat" aksiyadorlik jamiyati |
| | Сокращенное: | "Узавтосаноат" АО |
| | Наименование биржевого тикера: | Нет |
| 2. | **КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ** | |
| | Местонахождение: | г.Ташкент, Мирабадский район, ул. Амира Темура, 13 |
| | Почтовый адрес: | г.Ташкент, Мирабадский район, ул. Амира Темура, 13 |
| | Адрес электронной почты: | info@uzavtosanoat.uz (mailto:info@uzavtosanoat.uz) |
| | Официальный веб-сайт: | www.uzavtosanoat.uz (https://www.uzavtosanoat.uz) |
| 3. | **ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ** | |
| | Номер существенного факта: | 6 |
| | Наименование существенного факта: | Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг |
| | Вид собрания: | годовое |
| | Дата проведения собрания: | 27.06.2023 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Дата составления протокола собрания: | 07.07.2023 | |
| | Место проведения собрания: | г.Ташкент, Мирабадский район, ул. Амира Темура, 13 | |
| | Кворум собрания: | 100,00 | |

| № | Вопросы, поставленные на голосование | Итоги голосования | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | за | | против | | воздержались | |
| | | % | количество | % | количество | % | количество |
| 1 | “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини кўриб чиқиш. | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2 | Ижроия органининг “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича, шу жумладан ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 3 | “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2023 йил учун йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 4 | “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботини эшитиш | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5 | 2022 йил учун СМК (самарадорлик муҳим кўрсаткичлари), СЙК (самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи) ва фоизларини тўғри ҳисобланганлигини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳисоботини тинглаш | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 6 | “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йилдаги фаолияти натижалари бўйича аудиторлик текшируви ҳисоботини ва хулосасини кўриб чиқиш | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 7 | Кузатув кенгашининг тавсиясига кўра, “Ўзавтосаноат” АЖнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш, шу жумладан 2022 йил якуни бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор қабул қилиш | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8 | 2022 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш. “Ўзавтосаноат” АЖнинг Кузатув кенгаши аъзоларига 2022 йил якуни бўйича мукофот пули бериш масаласи бўйича қарор қабул қилиш | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 9 | Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш юзасидан танлов ўтказиш, танловда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва танлов натижаларига кўра у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 10 | “Ўзавтосаноат” АЖнинг ижроия органи тўғрисидаги низоми янги таҳрирда тасдиқлаш | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 11 | “Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида | 100,0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| - | - | | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

| № | Полные формулировки решений, принятых общим собранием |
|---|---|
| 1 | “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 2 | Ижроия органининг “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича, шу жумладан ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин. |
| 3 | “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2023 йил учун йиллик бизнес-режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 4 | “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин. |
| 5 | 2022 йил учун СМК (самарадорлик муҳим кўрсаткичлари), СЙК (самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи) ва фоизларини тўғри ҳисобланганлигини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин. |

| | |
|---|---|
| 6 | “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йилдаги фаолияти натижалари бўйича “International Business Audit Consulting” МЧЖнинг 2023 йил 13 февралдаги аудиторлик текшируви ҳисоботи ва хулосаси 6-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин. |

| | |
|---|---|
| 7 | 7.1. “Ўзавтосаноат” АЖ Ягона акциядорининг 2022 йил 15 декабрдаги 15-2022-сонли қарорининг (7-илова) кун тартибидаги 3-масалага оид 3-қарорига ўзгартириш киритилсин ва қуйидаги таҳрирда баён этилсин: “3. 2022 йил 26 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғини ўз вақтида бажариш мақсадида, “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2022 йил 1 октябрь ҳолатига 760 361 544 500 сўм миқдоридаги тақсимланмаган фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлансин, шу жумладан: 80,67 фоизини, яъни 613 377 822 691,92 (олти юз ўн уч миллиард уч юз етмиш етти миллион саккиз юз йигирма икки минг олти юз тўқсон бир сўм тўқсон икки тийин) сўм (5% солиқ билан бирга) давлат улуши бўйича дивиденд тўлашга йўналтириш; 9,26 фоизини, яъни 70 450 000 000,0 (етмиш миллиард тўрт юз эллик) сўм “Ўзавтосаноат” АЖни устав фондидаги давлат улушини белгиланган тартибда ошириш учун йўналтириш (“UzAuto Motors” АЖ акцияларини сотиб олишга йўналтирилган маблағлар); 10,07 фоизини, яъни 76 553 721 808,08 (етмиш олти миллиард беш юз эллик уч миллион етти юз йигирма бир минг саккиз юз саккиз сўм саккиз тийин) тақсимланмасдан қолдирилсин. Шунда, 1 дона оддий акцияга 0,33 сўм (33 тийин) миқдорида (5% солиқ билан бирга) пул маблағлари билан тўланиши учун дивиденд эълон қилинсин ва ҳисобланган дивидендларни миқдорини ягона акциядор томонидан дивиденд тўлаш тўғрисида мазкур қарор қабул қилинган санадан 60 кун ичида тўлаш учун ижро орган томонидан тегишли чоралар кўрилсин.” 7.2. “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2023 йил 1 январь ҳолатига 744 502 897 373 сўм ўтган йилнинг тақсимланмаган фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин: 1) 57,42 фоизини, яъни 427 505 755 209,52 сўм (тўрт юз йигирма етти миллиард беш юз беш миллион етти юз эллик беш минг икки юз тўққиз сўм эллик икки тийин) сўм давлат улуши бўйича дивиденд тўлашга йўналтириш. Шунда 1 дона оддий акцияга 0,23 сўм (23 тийин) миқдорида пул маблағлари билан тўланиши учун дивиденд эълон қилиш ва ҳисобланган дивидендлар миқдорини ягона акциядор томонидан дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан 60 кун ичида тўлаш таъминлансин. 2) 5,85 фоизини (ёки Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 5 % бўлган), яъни 43 550 900 653,05 сўм (қирқ уч миллиард беш юз эллик миллион тўққиз юз минг олти юз эллик уч сўм беш тийин) заҳира фондига йўналтириш. 3) “Ўзавтосаноат” АЖ Ягона акциядорининг 2022 йил 15 декабрдаги 15-2022-сонли қарорин ва “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгишнинг 2023 йил 1 июндаги 6-2023-сонли йиғилиш баёнини ҳамда мазкур қарорни инобатга олиб “Ўзавтосаноат” АЖнинг устав фондидаги давлат улуши қуйидаги тартибда оширилсин: 3.1) “Ўзавтосаноат” АЖнинг 2023 йил 1 январь ҳолатидаги тақсимланмаган фойдасининг 36,73 фоизини, яъни 273 446 241 510,43 сўм (икки юз етмиш уч миллиард тўрт юз қирқ олти миллион икки юз қирқ бир минг беш юз ўн сўм қирқ уч тийин) “Ўзавтосаноат” АЖнинг устав фондини оширишга йўналтирилсин, шу жумладан: - “UzAuto Motors” АЖ акцияларини сотиб олишга йўналтирилган 70 450 000 000,0 сўм маблағлар; - “Ўзавтосаноат” АЖнинг шуъба корхоналарининг устав капиталига ушбу корхоналарнинг соф фойдасини тақсимлашдан шаклланган 202 920 796 563,88 сўмлик қўшимча ҳиссалари (корхоналар кесимидаги жадвал илова қилинмоқда). 3.2) 2023 йил давомида олинган соф фойда ҳисобидан “Ўзавтосаноат” АЖнинг устав фондидаги давлат улушини 68 585 549 501,5 сўмга ошириш бўйича Ягона акциядорнинг тегишли қарори қабул қилинсин. 7.3. “Ўзавтосаноат” АЖ устав фондини 273 446 241 510,43 сўм (икки юз етмиш уч миллиард тўрт юз қирқ олти миллион икки юз қирқ бир минг беш юз ўн сўм қирқ уч тийин) ошириш масаласи кўрсатилган миқдорнинг тўғрилигини тасдиқловчи махсус савол бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси олинганидан сўнг “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритилсин. Бунда, “Ўзавтосаноат” АЖ Бошқарувига махсус савол юзасидан аудит ўтказиш учун мустақил аудиторлик ташкилотини танлов асосида жалб қилиш топширилсин. 7.4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2023 йил 23 апрелдаги (03/1-3362-сон, 24.04.2023 йил) топшириғига мувофиқ 614 000 000 000 (олти юз ўн тўрт миллиард) сўм дивиденд сифатида бюджетга йўналтириш масаласи “Ўзавтосаноат” |

| | |
|---|---|
| 8 | 8.1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин: - “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 27 февралдаги 3-2023-сонли қарори билан тасдиқланган “Silk Capital” МЧЖ билан танлов натижаларига кўра 2022 йил ва чораклик якунлари бўйича компаниядаги корпоратив бошқарув тизимининг даражасини баҳолаш мақсадида шартнома тузилганлиги тўғрисида маълумот; - “Silk Capital” МЧЖ 2022 йилнинг 1-чорак якуни бўйича 630 балл (2022 йил 18 майдаги 01/01-22-сон хулоса), 2022 йил 1-ярим йиллик якуни бўйича 820 балл (2022 йил 8 августдаги 01/01-32-сон хулоса), 2022 йилнинг 9 ойлик якуни бўйича 830 балл (2022 йил 28 октябрьдаги 01/01-34-сон хулоса) ва 2022 йил якуни бўйича 790 балл (2023 йил 13 февралдаги 01/01-01-сон хулоса) “Ўзавтосаноат” АЖ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш хулосалари (8-илова); - “Ўзавтосаноат” АЖ Ягона акциядорининг 2022 йил 15 декабрдаги 14-2022-сонли қарори (9-илова); - “Ўзавтосаноат” АЖ Ягона акциядорнинг 2022 йил 15 декабрдаги 14-2022-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тўғрисида”ги низоми (10-илова); - “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши ҳузуридаги Рағбатлантириш ва тайинлаш қўмитасининг 2023 йил 15 февралдаги 1-2023-сонли баёнидаги тавсиялари ҳамда “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгашининг 2022 йил 20 декабрдаги 24-2022-сонли ва 2023 йил 27 февралдаги 3-2023-сонли қарорлар (11-илова); - иккита мустақил аъзолари билан тузилган шартномалари, шу жумладан уларга тўловни амалга ошириш тартиби (12-илова); - “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши ҳузуридаги Рағбатлантириш ва тайинлаш қўмитасининг 2023 йил 15 февралдаги 1-2023-сонли баёнидаги тавсиялари. 8.2. “Silk Capital” МЧЖнинг 2022 йилнинг 4-чораги якуни бўйича 790 баллга баҳоланганлиги ва компаниядаги корпоратив бошқарув тизимининг даражаси “юқори” деб баҳоланганлиги тўғрисидаги 2023 йил 13 февралдаги 01/01-01-сонли хулосаси маъқуллансин. 8.3. “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши ҳузуридаги Рағбатлантириш ва тайинлаш қўмитасининг 2023 йил 15 февралдаги 1-2023-сонли баёни, “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 27 февралдаги 3-2023-сонли баёни ҳамда “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг аризаларига мувофиқ “Ўзавтосаноат” АЖ Ягона акциядорига 2022 йил якуни бўйича Кузатув кенгаши аъзоларига (акциядорнинг вакилларига) асосий мукофот пулини қуйидаги миқдорда тўланиши тасдиқлансин: - А.К.Жуманазаров 30 МҲТЕКМ, яъни 27,6 млн. сўм; - Ф.К.Рахматов 20 МҲТЕКМ, яъни 18,4 млн. сўм; - З.З.Саидов 20 МҲТЕКМ, яъни 18,4 млн. сўм; - М.Б.Атаджанов 20 МҲТЕКМ, яъни 18,4 млн. сўм; 8.4. “Ўзавтосаноат” АЖ Ягона акциядорнинг 2022 йил 15 декабрдаги 14-2022-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тўғрисида”ги низомида белгиланган тартибда ижро органга “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот пўлини тўланишига розилик берилсин ва ўз вактида тўловларни амалга оширилиши учун тегишли чоралар кўрилсин. |

| | |
|---|---|
| 9 | “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитасининг 2023 йил 21 июндаги тавсияларини инобатга олиб ташқи аудиторлик ташкилотига 2023 йил даврига (шу жумладан, чоракли) ўтказиладиган аудиторлик текширув хизмати учун тўланадиган хизмат ҳаққи чегараси ҚҚС билан бирга Бухгалтерия ҳисоботини миллий стандартлар бўйича – 200 000 000,0 (икки юз ўн беш миллион) сўм деб белгилансин. Бунда, давлат харидларининг махсус ахборот порталида энг яхши таклифларни танлаш орқали аниқланган аудитор корхонаси билан тузилган шартнома ва унинг қиймати юзасидан маълумот киритилсин. 9.2. “Ўзавтосаноат” АЖ ижро органи икки ой муддатда ташқи аудиторлик ташкилотига Халқаро молиявий ҳисобот стандартлар бўйича 2023 йил даврига (шу жумладан, чоракли) ўтказиладиган аудиторлик текширув хизмати учун ҚҚС билан бирга хизмат ҳаққи учун тўланадиган маблағ чегараси бўйича таклифларни Ягона акциядорга киритсин. |
| 10 | ““Ўзавтосаноат” АЖнинг ижроия органи тўғрисида”ги низоми 14-иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин. |
| 11 | 11.1. “Ўзавтосаноат” АЖ Ягона акциядорнинг 2022 йил 30 июндаги 8-2022-сонли, 2023 йил 24 мартдаги 2-сонли ва 2023 йил 5 майдаги 3-сонли қарорларига асосан “Ўзавтосаноат” АЖ бошқаруви раиси – У.У. Розукуловни ҳамда “Ўзавтосаноат” АЖ маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини саноатда кенгайтириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – А.В.Рафиқовни, “Ўзавтосаноат” АЖ трансформация ва молия масалалари бўйича бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – А.Қ.Шукуровни ва бошқарув раисининг ўринбосарлари – Ф.Р.Тураев, С.У.Таджиев ва Р.А.Биккуловларни 3 йил муддатгача бўлган даврга тайинланиши тўғрисидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин. 11.2. “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитасининг 2023 йил 24 мартдаги 2-2023-сонли баёнидаги ҳамда “Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши 2023 йил 1 июндаги 6-2023-сонли йиғилиш баёнидаги тавсияларига кўра “Ўзавтосаноат” АЖнинг ижро орган раҳбари ва аъзолари билан меҳнат шартномаси (шу жумладан, қўшимча шартномаси) ўзгартиришсиз қолдирилсин. |
| 12 | Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Абдуқодиров зиммасига юклансин. |
| 0 | - |

Начисленные и выплаченные вознаграждения и (или) компенсации в пользу членов исполнительного органа, наблюдательного совета и ревизионной комиссии эмитента:***

| № | Ф.И.О. | Наименование органа эмитента, членом которого является лицо | Вид выплаты (вознаграждения и (или) компенсация) | Начисленная сумма (сум) | Период, за который начислены средства | Документ, в котором предусмотрена выплата |
|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | А.К.Жуманазаров | Кузатув кенгаш аъзоси | Мукофот | 30 МҲТЕКМ | 2022 йил учун | Ягона акциядорнинг қарори, Устав, Низом. |
| 2 | Ф.К.Рахматов | Кузатув кенгаш аъзоси | Мукофот | 20 МҲТЕКМ | 2022 йил учун | Ягона акциядорнинг қарори, Устав, Низом. |
| 3 | З.З.Саидов | Кузатув кенгаш аъзоси | Мукофот | 20 МҲТЕКМ | 2022 йил учун | Ягона акциядорнинг қарори, Устав, Низом. |
| 4 | М.Б.Атаджанов | Кузатув кенгаш аъзоси | Мукофот | 20 МҲТЕКМ | 2022 йил учун | Ягона акциядорнинг қарори, Устав, Низом. |

| | |
|---|---|
| Ф.И.О. руководителя исполнительного органа: | Шукуров Азизбек Кобилович |
| Ф.И.О. главного бухгалтера: | Атабаев Отабек Хатамбекович |
| Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте: | Курбанов Азизбек Рустамбекович |

**Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента**
**(www.uzavtosanoat.uz)**

Источник: https://openinfo.uz/facts/6/9801
Дата: 07.07.2026